# ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ШАРТНОМАСИ № 8/22

Жиззах. ш. 2022 йил 23 ноябр

« РШТЕИМ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ БОШКАРМАСИ» (кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи **Норкузиев Ф. Н.** ва **«Жиззах Знё Файз» Х/К** (кейинги ўринларда "Ижрочи" деб юритилади) номидан гувоҳнома асосида фаолият юритувчи **А.И. Ибрагимов** мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

## 1. Шартноманинг предмети

1.1 Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси бўйича ижрочи буюртмачининг топшириғига кўра мазкур шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган хизматларни кўрсатиш мажбуриятини олади, буюртмачи эса ушбу хизматлар учун хак тўлаш мажбуриятини олади.

1.2 Ижрочи кейинги ўринларда "Хизматлар деб аталадиган қуйидаги хизматлар кўрсатиш мажбуриятини олади:

| Т/Р | Хизматлар тури | Сони | Қиймати | ҚҚС -50(1.17) фоизда % | ҚҚС -50% билан умумий киймати |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | **180Ква дизель электростанциясини урнатиш ва автоматик ишга тушириш ускунасини монтаж килиш.** | **1** | **17 417 758** | **2 961 019** | **20 378 777** |
| | **Жами:** | | | | **20 378 777** |

1.3 Хизматлар кўрсатиш муддати:

1.3.1 Хизматлар Буюртмачи томонидан аванс тулангандан сунг 23 банк куни мобайнида бажарилиб берилади. Ижрочи Хизматлар кўрсатиш бўйича ишларни муддатидан олдин бажариш ҳуқуқига эга.

1.3.2 Хизматлар буюртмачи ёки унинг ваколатли вакили томонидан хизматларни қабул қилиш ва топшириш далолатномаси имзолангандан кейин кўрсатилган деб ҳисобланади.

## 2. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Ижрочининг мажбуриятлари:

2.1.1. Хизматларни лозим бўлган сифатда бажариш.

2.1.2. Хизматларни мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатда тўлиқ ҳажмда бажариш.

2.1.3. Агар ижрочи хизматлар кўрсатиш жараёнида шартнома шартларидан ишларнинг сифатини ёмонлаштирадиган даражада четга чиқишга йўл қўйган бўлса, буюртмачининг талабига асосан барча аникланган камчиликларни 10 банк куни ичида текинга бартараф этиши шарт.

2.1.4. Ижрочи хизматларни шахсан ёки суд ижрочи ёллаш йули билан бажариши шарт, суд ижрочи ёлланганида бу хакида буюртмачини ёзма равишда огохлантириши шарт.

2.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

2.2.1. Буюртмачи кўрсатилаётган хизмат учун олдиндан 30 % туловни амалга оширади, колган 70% суммани иш тулик якунланиб топшири далолатномаси имзолангандан сунг 10 банк куни ичида амалга оширади.

2.3. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Ҳар кандай вактда ижрочининг фаолиятига аралашмаган ҳолда у томонидан бажарилаётган ишларнинг бориш жараёни ва сифатини текшириш.

2.3.2. Далолатнома имзоланган кунга қадар ҳар қандай вақтда шартномани бажаришдан воз кечиб, белгиланган баҳонинг буюртмачи шартномани бажаришдан воз кечганлиги ҳақидаги хабарнома олингунга қадар кўрсатилган хизматлар қисмига мутаносиб қисмини ижрочига тўлаш.

2.3.3. Мазкур шартнома тарафлар уни имзолаб биринчи тулов утказилган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

## 3. Шартнома баҳоси ва ҳисоблашишлар тартиби

3.1. Мазкур шартноманин бахоси 20 378 777 (йигирма млн уч юз етмиш саккиз минг етти юз етмиш етти) сўм 00т ни ташкил қилади.

3.2. Буюртмачи томонидан ижрочига кўрсатилган хизматлар баҳосини тўлаш ижрочининг мазкур шартномада кўрсатилган ҳисоб-китоб ҳисоб ракамига пул маблағларини кўчириш йўли билан амалга оширилади.

## 4. Тарафларнинг жавобгарлиги

4.1. Мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган хизматлар кўрсатиш муддатини бузганлиги учун ижрочи буюртмачига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

4.2. Кўрсатилган хизматлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи ижрочига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,5 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

4.3. Тарафларнинг мазкур шартномада кўзда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи фукаролик конунчилиги меъёрларига мувофиқ қўлланади.

## 5. Форс-мажор холатлари

5.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. (Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер қимирлаши, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.)

5.2. Тарафлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тўғрисида албатта иккинчи тарафни огохлантириши шарт.

5.3. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч уч ой ўзлуксиз давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда огохлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиши мумкин.

## 6. Низоларни ҳал этиш тартиби

6.1. Мазкур шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар тарафлар ўртасида имкон қадар музокаралар йўли билан ҳал этилади.

6.2. Низоларни тарафларнинг музокаралари йўли билан ҳал этиш имкони бўлмаган тақдирда, тарафлар келишмовчиликларни бартараф этиш борасида *Жиззах вилоят иктисодий судида* куриб чикишга топширадилар

## 7. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

7.1. Ушбу шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар фақат иккала тараф томонидан ёзма равишда тузилиб, имзо қўйилиб газначилик органлари томонидан руйхатга олинганидан кейингина юридик кучга эга.

7.2. Шартномани тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин..

## 8. Якуний қоидалар

8.1. Мазкур шартномага киритиладиган хар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, улар фақат ёзма шаклда тузилиб, тарафларнинг бунга ваколатли вакиллари томонидан имзоланганиб газначилик органлари томонидан руйхатга олинганидан сўнг ҳақиқий ҳисобланади.

8.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди. Иккала нусха айнан бир хил ва тенг кучга эга. Тарафларнинг хар бирида мазкур шартноманинг бир нусхаси мавжуд.

8.3. Шартномага илова____________________________________________

## Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари

**«Ижрочи»**
**«Жиззах Зиё файз» Х/К**
**(етказиб берувчи номи)**

**Адрес:** Жиззах шаҳар, Турон махалла, Октерак кучаси 28 уй
**Тел./факс:**
**х/р:** 20208000304785941001
**Банк номи:** АТБ "Ипотека банк Вилоят филиали
**МФО:** 00122
**ИНН:** 301224978
**ОКОНХ:** 61110

**Раҳбар:** А.И. Ибрагимов
(Ф.И.Ш)

____________________ (имзо)

**М.Ў.**

**«Буюртмачи»**
**«РШТЁИМ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ БОШКАРМАСИ»**
**(бюджетдан маблағ олувчининг номи)**

**Адрес:** Жиззах шаҳар Тошлоқ МФЙ «Шифокор» кучаси 1 уй
**Тел./факс:** 72-226-27-01 72-226-68-69
**ш/ҳ-р:** 400321860084017073102054002
**Банк номи:** Марказий банк Тош.ш. ХККМ
**МФО:** 00014
**ИНН:** 201672804
**ОКОНХ:** 91515

**Раҳбар:** Норкузиев Ф.Н
Директор (Ф.И.Ш.)

____________________ (имзо)

**М.Ў.**

юрист Нурмухаммадиева Х.

**684-сон Ўзбекистон Республикаси қонунининг 7-8 бандларига мувофик Дизель Генератор урнатишга нисбатан шикоятлар**
**Б А Ё Н Н О М А С И**

**«23» ноябрь 2022 йил**

Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Жиззах филиали танлов комиссияси (кейинги ўринларда комиссия деб юритилади) таркибига қўйидагилар киради:

| | | | |
|---|---|---|---|
| Комиссия раиси: | Суяров Зафар | даволаш ишлари бўйича директор ўринбосари | РШТЁИМ Жиззах филиали |
| Комиссия котиби: | Маматкулов Икром | умумий ишлар бўйича директор ўринбосари | РШТЁИМ Жиззах филиали |
| Комисся аъзоси: | Ғайбуллаев Ойбек | Дори тайёрлаш бўлими бошлиғи | РШТЁИМ Жиззах филиали |
| Комисся аъзоси: | Хошимова Санобар | Бош бека | РШТЁИМ Жиззах филиали |
| Комисся аъзоси: | Бутунбоева Тохира | Қабул-диагностика бўлими бекаси | РШТЁИМ Жиззах филиали |
| Комисся аъзоси: | Маматкулова Дилфўза | Реанимация бўлими бекаси | РШТЁИМ Жиззах филиали |

2022 йил 21 ноябрдаги 22110012188807-лот махсус ахборот порталида жойлаштирилган эълон бўйича иштирокчиларидан шикоят ва мурожаатлар келиб тушмади. Таклифларни баҳолаш усули – балл усули (Техник ва малака қисмининг вазн коэффициенти: 85.00 / нарх қисмининг вазн коэффициенти: 15.00)

**РШТЁИМ Жиззах филиали директори:** **Ф.Н.Норкўзиев**